**Махсулот сотиш ва харид килиш**
**№ 14 - сонли ШАРТНОМА**

2022 йил « 13 » октябр                                                                                     Қува тумани

Икки томонлама хужалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи Кубба Мониш похта Ш.Э.Ж (кейинги уринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан рахбар А. Нураев биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги хамда уз Низомига асосан фаолият юритувчи Кува туман Кошкини номидан рахбари Х Умаров (келгусида «Харидор» деб аталади) урталарида куйидаги максадларда тузилди.

**1. Шартнома предмети**

1.1. **«Сотувчи» «Харидор»**га куйидаги махсулотларни етказиб беради: Қишлоқ хўжалик махсулот
1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати 45500000 (Қирқ беш миллион беш юз минг сўм)
*(ракам ва суз билан тулик ёзилади)* сумни ташкил килади.
1.3. Махсулотлар куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| Махсулот номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|
| Картошка (совға тарқибида) | кг | 5000 | 3400 | 17000000 |
| Пиёз (совға тарқибида) | кг | 5000 | 2200 | 11000000 |
| Сабзи (совға тарқибида) | кг | 5000 | 3500 | 17500000 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| жами: | | 15000 | х | 45500000 |

**2. Хисоб-китоб қилиш тартиби.**

2.1. Махсулот учун тулов пул утказиш йули билан амалга оширилади.
2.2. **«Харидор»** шартнома умумий суммасининг 30% ни аванс тарикасида шартнома тулик кучга кирган кундан бошлаб 20 банк иш куни мобайнида, колган 70% ни **махсулот етказиб берувчи** маҳсулотни етказиб берган кунидан бошлаб, 20 банк иш куни давомида **махсулот етказиб берувчининг** банк хисоб ракамига утказиб беради.
2.3. Махсулотлар учун нарх узаро келишилган холда белгиланади.
Бунда Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томионидан белгиланган нархалар асос килиб олинади.
2.4.Агар давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган махсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Сотувчи» зиммасидан копланади.
2.5. Шартнома суммасидан ортик махсулот етказиб берилганда («Буюртмачи» огохсиз бажарилганда) хисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан амалга оширилмайди.

**3. Маҳсулот етказиб бериш**

3.1. **Махсулот етказиб берувчи** махсулотни хисоб ракамига аванс маблаги келиб тушган кундан 5 банк иш кунида етказиб беради.
3.2. «Сотувчи» шартномада белгиланган махсулотларни «Харидор» талабига мувофик муассасаларга, сифатли хамда бут холда етказиб беради ва транспорт харажатларини уз зиммасига олади.
3.3 Етказиб берилган махсулот учун маъсул шахс томонидан хисоб варак фактурага кабул килганлиги тугрисида имзо куйиб олган вактдан бошлаб **«ХАРИДОР»** мулкига айланади

**4. Махсулотни топшириш ва кабул килиш.**

4.1 «Харидор» ваколатли шахс кабул килиб олиш жараёнида махсулотнинг ишга яроклилигини, сифатини, микдори жихатдан шартномага мос келишини текшириб олиш лозим. Махсулот тулик кабул килиб олингандан сунг махсулотни саклаш жавобгарлиги «Харидор» ваколатли шахс зиммасига утади.

**5. Томонларнинг хуқуқи ва мажбурияти**

5.1. «Сотувчи» «Харидор» томонидан юборилган вакил, муассаса рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, хамда юмалок мухр босилган ишонч когози курсатгандан сунг махсулот беради.
5.2. «Сотувчи» махсулотни сифатини тасдикловчи хужжат (мувофиклик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, хулосаси ва хаказолар), хамда махсулотдан намуна такдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотларни етказиб беришга кафолат беради.
5.3. «Сотувчи» хужжатлар тугри расмийлаштирилишини уз зиммасига олади, хамда махсулотларни муассасаларга етказиб беради.
5.4. «Харидор» шартномада курсатилган махсулотни сифати талабга жавоб берган холатдагина уни кабул килиб олади.
5.5. «Харидор» кабул килиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиклигини аниклаган холда, «Сотувчи»га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, хамда сифатсиз деб топилган махсулотни «Сотувчи»га кайтариб беради.з
5.6. «Сотувчи» «Харидор»га унинг ишонч когозида кайд килинган махсулотлар беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч когозида курсатилмаган махсулотларни, ёки махсулотларни ишонч когозида белгиланган микдоридан ортик берган холларда, бу махсулотлар учун «Харидор» томонидан хак туланмайди.
5.7. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотлар етказиб берилса,
бу махсулотлар «Сотувчи»га кайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун хак туланмайди.

5.8. «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тулик ва аник номини, махсулот навин категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича тулов амалга оширилмайди.

**6. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

5.1. Томонлар тарафидан шартнома шартлари бузилган холларда, жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"га, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги хамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонун хужжатларига, шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган махсулотларни етказиб келган холда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай махсулотларнинг умумий кийматидан 50%, лекин шартноманинг 1,2 бандида курсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган холда жарима куллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.3. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келинмаса, кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс-мажор холатларининг оқибати хисобланса, сотувчи пеня тулаш мажбуриятидан халос қилинади.

5.4. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5.5. Етказиб берилган махсулотнинг қиймати шартномада келишилган муддатларда, уз вақтида туланмаган тақдирда "Харидор" "Сотувчи"га ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорида пеня тулайди.

Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатларининг оқибати ҳисобланса, "Харидор" пеня тулаш мажбуриятидан халос қилинади.

**7. Низоларни хал этиш тартиби.**

6.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар бўйича томонлар келишиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келиша олмаган тақдирда Узбекистон Республикаси конунларига асосан Хужалик судлари оркали хал килинади.

**8. Форс-мажор холатлари.**

7.1. Шартнома тузилгандан сунг бартараф этилиши томонларнинг таъсири ва истакларига боғлиқ булмаган вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишда халақит берадиган вазиятлар содир булганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида айтиб утилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли Томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

7.2. Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга булмаган Томон дарҳол иккинчи Томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этилганлиги туғрисида хабардор қилиши керак.

7.3. Бартараф этилиши мумкин булмаган вазиятлар содир булгани ёки уларни бартараф этилгани ҳақида уз вақтида, 15 кундан куп булмаган муддатда хабар бермаган Томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, бу вазиятларни сабаб қилиб курсата олмайди.

**9. Шартнома амал қилиш муддати**

8.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сунг кучга киради.

8.2. Шартноманинг амал килиш муддати **2022 йил « 31 » декабр**гача.

8.3. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулот «Харидор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3 бандлари бажарилмаганда шартнома «Харидор» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Бекор килинган тугрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларни келтирган холда хат билан маълум килади.

**10. Кушимча шартлар**

9.1. Шартнома уч нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.

9.2. Шартномага барча узгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага кушимча битим имзоланган холда конуний деб хисобланади.

9.3. Шартноманинг туман газначилик булими руйхатга олгандан сунг тулик кучга эга деб хисобланади.

**10. Томонлар хукукий манзили ва банк реквизитлари**

**«Сотувчи»**

«Қуббо Момиқ пахта» [illegible]

(етказиб берувчи номи)

**Манзил:** Қува тум. П.Хўжа Хосон

**Тел/факс:** 90 737 5683

**х/р:** 20208000100764327001

**Банк:** Қишлоқ қурилиш банк

**МФО:** 01037 **ИНН:** 304792380

**ОКОНХ:**

**Рахбар:** А.Тўраев

Ф.И.О.

**«Харидор»**

**Кува туман хокимлиги**

(олувчи номи)

**Манзил: Мустакиллик кўчаси** Қайқубод кўч. 244

**Тел/факс:** 73 315 11-88

**ш/х:** 400122860302187011204018002

**ИНН: 200171409** **ХХТУТ:** 97600

**Молия вазирлиги ғазначилиги**

**х/р: 23 402 000 300 100 001 010**

**Марказий банк Тошкент ш. бб. ХККМ**

**ИНН: 201122919** **МФО: 00014**

**Рахбар:** **Х.Умаров**

Ф.И.О.

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Кува тумани хокими

биринчи ўринбосари:

_________ А.Сиддиқов

13.10.2022 йил. Қува туман.

Қува тумани хокимлиги Туман хокимининг 22-сентябр кунги №214-11-156-F/22 сонли фармоишига асосан Қоракалпағистон Республикаси Бўзатув туманида яшовчи 50 та хонадонларни турмуш шароитини яхшилаш ва уларни бандлигини таъминлаш ижтимоий химояга мухтож фуқороларга кишлок хужалиги махсулотларини сотиб олиш учун давлат харидларига қўйилган Лот №22110012157171 бўйича протоколни мухокама қилиш комиссияси йиғилиши.

**9-СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ**

**Қатнашчилар:** комиссия раиси: А.Сиддиқов-туман хокими биринчи ўринбосари

комиссия аъзоси: А.Бўрибоев-туман хокимлиги бош хисобчиси

комиссия аъзоси: А.Джўраев-иқтисодиёт бўлим мутахасиси

комиссия аъзоси: М.Жалолов-туман хокимлиги мутахасиси

комиссия аъзоси: Д.Хасанов- туман хокимлиги мутахасиси

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:**

2022-йилда

Қува тумани хокимлиги Туман хокимининг 22-сентябр кунги №214-11-156-F/22 сонли фармоишига асосан Қоракалпағистон Республикаси Бўзатув туманида яшовчи 50 та хонадонларни турмуш шароитини яхшилаш ва уларни бандлигини таъминлаш ижтимоий химояга мухтож фуқороларга кишлок хужалиги махсулотларини сотиб олиш давлат харидларига қўйилган Лот **№22110012157171** бўйича протоколни мухокама қилиш тўғрисида.

Кун тартиби масала юзасидан Қува туман хокимлиги томонидан ўтказилган танлов бўйича Қува туман хокими биринчи ўринбосари сўз олиб танлов шаффов хамда талабларга мос ўтказишни айтиб ўтди.

Шундан сўнг сўз олган Қува туман хокимлиги комиссия аъзолари томонидан мухокама кунлари хеч қандар этирозлар келиб тушмаганлиги хамда хеч кимда этирозлар йўклигини айтиб ўтишди.

А.Бўрибоев_____________ А.Джўраев_____________

М.Жалолов_____________ Д.Хасанов_____________

Йиғилиш котиби _____________Т.Холматов

# FARG‘ONA VILOYATI QUVA TUMANI HOKIMINING
# FARMOYISHI

Quva tumani, Qayqubbod ko‘chasi, 244-uy

2022 - yil «22» - sentabr 214-11-156-F/22 Quva tuman hokimiyati

**Mablag‘ ajratish**

**to‘g‘risida**

**O‘zbekiston Respublikasining Budjet kodeksining 28 va 126-moddalariga xamda O‘zbekiston Respublikasining “Mahalliy davlat hokimiyati to‘g‘risida”gi Qonunining 6, 25-moddalariga, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli Farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 18 apreldagi “2020-2021 yillarda Qoraqalpog‘iston Respublikasining Bo‘zatov tumanini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 243-sonli qarori ijrosini ta’minlash maqsadida hamda tuman “Fermer, dehqon xo‘jaliklari va tamorqa yer egalari kengashi” raisi X.Usmonovning bildirishnomasini inobatga olib,**

1. Tuman hokimligini rivojlantirish jamg‘armasi (maxsus hisob raqami) mablag‘lari hisobidan, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Bo‘zatov tumani “Erkindaryo” hamda “Kuskanatov” OFY hududlaridagi jami 50 ta xonadonlarni turmush sharoitlarini yaxshilash va ularni bandligini ta’minlash maqsadida, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari bilan ta’minlash, chorva xayvonlari yetkazib berish va issiqxonalar qurib berish xarajatlariga jami 47 000 000 (qirq yetti million) so‘m mablag‘ tuman hokimligiga ajratilsin.

2. Tuman hokimligi bosh hisobchisi (A.Bo‘riboyev)ga ajratilgan mablag‘dan samarali foydalanish va uning maqsadli yo‘naltirilishini ta’minlash, moliyalashtirish manbasini ochish uchun kerakli xujjatlarni belgilangan tartibda rasmiylashtirish tuman moliya va g‘aznachilik bo‘limlariga taqdim etilishini ta’minlash vazifalari yuklatilsin.





3. Tuman G‘aznachilik bo‘linmasiga to‘lovlarni o‘rnatilgan tartibda va o‘z vaqtida amalga oshirish vazifalari topshirilsin.

4. Ushbu farmoyishning bajarilishini nazorat qilish vazifasi tuman hokimining birinchi o‘rinbosari A.Siddiqov zimmasiga yuklansin.

**Tuman hokimi** **Х. Умаров**